

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.2019.К/Т.78.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ШАРИПОВ БЕГМУРОД ШАРОПОВИЧ

**ГУАНИДИН АСОСИДА КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2023

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шарипов Бегмурод Шаропович

Гуанидин асосида коррозия ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб
чиқиш ва уларни қўллаш.....3

Шарипов Бегмурод Шаропович

Разработка технологии получения ингибиторов коррозии на основе
гуанидина и их применение.....21

Sharipov Begmurod Sharopovich

Development of technology for obtaining corrosion inhibitors based on guanidine
and their application.....39

Элон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.2019.К/Т.78.01 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ШАРИПОВ БЕГМУРОД ШАРОПОВИЧ

**ГУАНИДИН АСОСИДА КОРРОЗИЯ ИНГИБИТОРЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Т2788 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iktiti.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бекназаров Ҳасан Сойибназарович техника фанлари доктори, профессор
Расмий ошпонентлар:	Нурқулов Файзулла Нурмўминович техника фанлари доктори, профессор Ражабов Юсуфбой Нураддин ўгли техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро мухандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 рақамли илмий кенгашнинг «28» апрель 2023 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ, Шўробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2023/8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шўробозор Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «04» апрель куни тарқатилди.

(2023 йил «04» апрелдаги 2023/8 рақамли реестр баённомаси).



А.Т.Джалилов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
к.ф.д., проф., академик

Ширинов Ш.Д

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.PhD., к.и.х.

Нурқулов Ф.Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда металллар коррозияси, шу жумладан, пўлат конструкцияларни коррозиядан сақловчи ва юқори самарали ингибиторларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади. Саноати тез ривожланаётган мамлакатларда металл буюмларни кислотали ва тузли муҳитларда ишлатилувчи самарали ингибиторларга бўлган талабнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Коррозия жараёнини бартараф этишда ингибиторларнинг тузилиши, миқдори, ҳарорат ҳамда таъсир қилувчи агрессив муҳит табиатининг ингибиторлар ҳимоялаш даражасига таъсир механизмини ўрганиш натижасида ингибирлаш хоссаларини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда коррозиянинг олдини олиш бўйича паст концентрацияда ҳам юқори самарадорликка эга, сувда эрувчан, экологик тоза органик коррозия ингибиторларини синтезлаш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада таркибида азот, фосфор, кислород ва олтингугуртни ўз ичига олган π боғларга эга бўлган глицерин, ортофосфат кислота, гуанидин нитрат, карбамид ва тиокарбамид ҳосилалари органик ингибитор бирикмалар синтези, хомашёлар асосида органик ингибиторларнинг синтез жараёнларини, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда кимё саноатини модернизация қилишда, ишлаб чиқариш корхоналарини маҳаллий хомашё базаларига ўтказиш ва импорт ўрнини босадиган органик коррозия ингибиторларни ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича бир қанча илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»¹ бўйича муҳим вазибалар белгилаб берилган. Бу борада кимё саноатида металл буюмларни коррозиядан ҳимоя қилувчи N, P, O ва S тутган коррозия жараёнининг олдини олувчи ингибиторлар асосида ҳимоялаш механизмлари ва технологияларини такомиллаштириш ишлари олиб бориш ҳамда амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги, 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони.

узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гуанидин ҳосилаларидан металллар коррозиясини олдини олувчи органик ингибиторлар олиш усуллари ва хоссаларини ўрганиш бўйича И. Л. Федушкин, В.П. Анаников, Д.Б. Эгеми, Э.Г. Гордеев, И.П. Белетская, А.Д. Аверин, М.Н. Бочкарев, А.А. Трифонов, U.M. Dzhemilev, И.Л. Розенфелд, М.А. Quraishi, W.W. Frenier, С.М. Решетников, В.П. Батракова, П.С. Фахретдинов, В.И. Вигдорович, Н.В. Шел, Oguzie E.E, Hussain M. S, Jakeria M.R, Fazal M.A, Haseeb A, Khan R, Oyekunle D.T, Somers A.E, Hinton B.R, Bruin-dickason C.De, А.А. Анисимов, А.В. Arzumanyan, Ю.Н. Кононевич, М. Н. Темников, О. G. Sinyashin, Yu.H. Budnikova, А.Р. Бурилов, А.А. Карасик, В.Ф. Миронов, Р.А. Storozhenko, G.I. Shcherbakova, Б.А. Трофимов каби олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ давлатларида Ю.И. Кузнецов, С.М. Решетников, А.Г. Акимов, Я.М. Колотыркин, В.П. Батракова, П.С. Фахретдинов, В.И. Вигдорович, Н.В. Шель, Л.Е. Цыганкова, М. Хани, С.Н. Степин, О.П. Кузнецова, А.В. Вахин, П.В. Стрекалов каби олимлар ўзларининг самарали илмий фаолиятлари орқали полифункционал ингибиторларни яратиш ва уларнинг таъсир механизмларини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотларни олиб бормоқдалар.

Коррозия ингибиторлари ва химояловчи материаллар технологиясини ривожлантириш бўйича асосий изланишлар пўлат асосидаги қурилиш ва ишлаб чиқариш конструкцион материаллар самарадорлигини ошириш учун органик ингибиторларни олишга йўналтирилган. Темир ва пўлат конструкцияларининг ишлаш муддатини ошириш, уларнинг эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш, саноатдаги металл қурилмалар сифатини янада яхшилашнинг умумий муаммосини ҳал қилишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти МЧЖ илмий-тадқиқот ишлари режасининг X/III №12-06 «Маҳаллий хомашёлар асосида янги самарали олигомер коррозия ингибиторларини яратиш ва татбиқ этиш» (2007 й.), мавзусидаги хўжалик шартномаси ҳамда №A12-005 «Маҳаллий хомашёлар асосида янги самарали коррозия ингибиторларини олиш ва уларни қўллаш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади N, P, O ва S тутган бирикмалар асосида кислотали ва тузли агрессив муҳитларда юқори самарадорликка эга органик коррозия ингибиторлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таркибида амина, фосфат ва олтингугурт гуруҳлари бўлган органик коррозия ингибиторлари олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

олинган органик коррозия ингибиторлар таркибидаги функционал гуруҳларнинг ингибирловчи хоссаларини тадқиқ этиш;

олинган органик ингибиторларнинг коррозион самарадорлигини ўрганиш бўйича лаборатория тажриба синовлари, гравиметрик ва электрохимёвий таҳлиллар ўтказиш;

ингибиторларни коррозия тезлиги, ҳимояланиш даражаси ва тормозланиш коэффициентини, ҳароратга, муҳитнинг pH қийматига, ингибиторлар концентрациясига ҳамда таркибига боғлиқлигини аниқлаш;

СЭМ ва атом куч микроскопия усуллари ёрдамида пўлат сиртининг морфологиясини ўрганиш;

органик коррозия ингибиторларни олиш технологияси ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гуанидин нитрат, карбамид, фосфат кислотаси, глицерин ва тиокарбамид моддалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети таркибида амина, фосфат ва олтингугурт гуруҳлари сақлаган моддалар асосида органик ингибиторлар олишнинг мақбул шароитларини ўрганиш, олинган янги ингибиторларни ҳар ҳил агрессив муҳит, ҳарорат ва ингибитор концентрациясига боғлиқ ҳолда ҳимоялаш даражаларининг ўзгариш қонуниятларни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида металл юзаси коррозиясини аниқлаш ҳамда олинган намуналарнинг тузилиш ва хоссаларини тадқиқ этишда инфрақизил спектроскопия (ИҚ-спектроскопия), сканерловчи электрон микроскопия (СЕМ), атом куч микроскопия (АКМ), термогравиметрик таҳлил (ДТА), гравиметрик ҳамда электрохимёвий таҳлил каби замонавий физик-химёвий тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ортафосфат кислотаси, глицерин, гуанидин нитрат ва тиокарбамид асосида янги таркибли органик коррозия ингибиторлари олинган ҳамда жараённинг оптимал шароитлари аниқланган;

олинган органик коррозия ингибиторлар таркибидаги функционал гуруҳлар ва уларнинг физик-химёвий хоссалари аниқланган;

органик ингибиторларнинг кўп функцияли таъсир этувчи ингибиторлик хоссалари қонуниятлар ёрдамида аниқланган;

металлларнинг коррозиядан кейинги сирт-морфологик ўзгаришларини таҳлил қилиш орқали, органик ингибиторлар пўлат сиртида донор акцептор ва ковалент боғлар ёрдамида адсорбцияланиши натижасида химоя қопламаси ҳосил қилиши исботланган;

олинган органик ингибиторларнинг концентрациясига боғлиқ ҳолда коррозия тезлиги, ҳимояланиш ва сиртни тўла қоплаш даражаси, тормозлаш коэффицентлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ортафосфат кислотаси, глицерин, гуанидин нитрат ва тиокарбамид асосида турли агрессив муҳитларга чидамли таъсир этувчи янги таркибли органик коррозия ингибиторлари олинган;

олинган органик коррозия ингибиторларининг физик-кимёвий ва ингибирловчи хусусиятлари даслабки моддаларнинг мол нисбатига боғлиқлиги аниқланган;

олинган органик коррозия ингибиторларнинг қўллаш технологияси ишлаб чиқилган ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

синтез қилинган органик коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш корхоналаридаги турли агрессив муҳитларда синаб кўрилган ва ингибиторларнинг кислотали ва тузли муҳитлардаги самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқоти натижасида олинган коррозия ингибиторларининг физик-кимёвий хоссалари ва самарадорлигини аниқлашда замонавий физик-кимёвий тадқиқот (термодинамик, кинетик ва адсорбцион) таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек, назарий ва саноат синов натижаларининг ўзаро ишлаб чиқариш амалиётига мутаносиблиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган органик ингибиторларнинг самарадорлиги, уларнинг таркиби, мақбул нисбатлари ва физик-кимёвий хоссаларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган ҳамда органик ингибиторлар олишнинг ҳавфсиз технологиясининг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган органик ингибиторлар ишлаб чиқариш саноатида кислотали, тузли ва айланма сувли турли агрессив муҳитдаги пўлатни коррозиядан юқори даражада ҳимоялаб, металл конструкцияларни узоқ муддат самарали ишлашига ва шунингдек саноат ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида металл конструкцияларининг коррозига учраши оқибатида келиб чиқадиган зарар ва йўқотишларни камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Гуанидин асосида металл коррозиясининг олдини оловчи ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган коррозия ингибиторини олиш технологияси «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг “2021-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2022 йил 14 сентябрдаги 877/ГК-09-сон маълумотномаси). Натижада, агрессив муҳитларга чидамли

ҳамда металл конструкцияларни ҳимоялаш даражаси юқори бўлган ингибиторлар олиш имконини беради;

самарадорлигии 91,78 % дан юқори бўлган ФКГ2Т-4, ФКДИК-3, АТКА-2 ва ФКГ2Т-1 органик коррозия ингибиторлари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ нинг сув айланма системаларидаги металл конструкцияларни коррозиядан ҳимоя қилишда “2021-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2022 йил 14 сентябрдаги 877/ГК-09-сон маълумотномаси). Натижада, сув айланма системаларидаги металл конструкцияларни ҳимоялашда ишлатиладиган ингибиторларни юқори самарадорликка эга бўлган маҳаллий коррозия ингибиторларига алмаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 10 та республика миқёсидаги ва 2 та халқаро илмий амалий анжуманларда маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гуанидин ҳосилаларини синтез қилишнинг ривожланиш истиқболлари ва коррозиявий муҳитларда ингибитор сифатида қўлланилиши”** га бағишланган биринчи бобида гуанидин ҳосилалари синтези, N, P, O ва S тутган органик коррозия ингибиторларини олиниши ва қўлланилиши, шунингдек уларнинг самарадорлигига доир кўплаб адабиётлар таҳлил қилинган. Турли хил агрессив муҳитларга қарши ҳар хил индивидуал таркибли гуанидинли ингибиторлар, шунингдек ўзининг кўпфункционаллиги билан паст концентрацияларда ҳам юқори ҳимоя

самарадорликка эга органик ингибиторларни олиниси ва уларни саноатда қўллаш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар таҳлили ўрганиб чиқилган.


Диссертациянинг «Гуанидин сақловчи коррозия ингибиторининг синтези ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ҳисобланган бирикмаларнинг синтези, олинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, реакция унумининг дастлабки моддалар мол нисбати, ҳарорат ва вақтга боғлиқлиги келтирилган. Шунингдек, синтез қилиб олинган бирикмаларда янги ҳосил бўлган функционал гуруҳларни (ИК) спектроскопия усули ёрдамидаги таҳлил натижалари келтирилган. Лаборатория тажриба-синов жараёнларида ишлатилган ишчи (соф) эритмалар ва пўлат пластинкасининг таркиби, электрокимёвий, гравиметрик, адсорбцион ва термодинамик тадқиқотлар ёрдамида ўрганилган таҳлиллар келтирилган.

Аммоний нитрат ва карбамид асосида гуанидин нитрат синтез қилиши. Бизга коррозия ингибиторларини синтез қилиш учун даслабки хомашё сифатида гуанидин нитрат синтез қилиш муҳим аҳамиятга эга бунинг учун, бир литрли идишга 60 г карбамид ва 120 г аммиакли селитра ва 40 г кремний (IV) оксид солиб яхшилаб аралаштирилади. Колба мой ёки кум ҳаммомида температураси секинлик билан 120°C гача кўтарилади, кейин эса жараёнга яна 1 мол карбамид солиб ярим соатда ҳаммом ҳароратини 180 °C га кўтарилади ва 2,5 соат давомида шу ҳароратда сақланади. Биринчи бир соатда кристаллар аммоний карбамад ҳосил қилиб эрийди ва шаффоф суюқликка айланади, сўнгра бутун массадан газ ажралиб чиқиши аста секин камая бошлайди, сўнгра маҳсулот совутилади ва ҳосил бўлган масса қайноқ сув ҳаммомида эритиб олинади. Бунда эритма таркибидаги аммелин ва аммелиднинг оқ аморф эримайдиган чўкмаси вакуумли филтирдан ўтказиб филтирлаб аржатиб олинади. Филтрланган эритма таркибида гуанидин нитрат билан бирга оз миқдорда аммоний нитрат ва жуда оз миқдорда карбамид ва бигуанидин нитрат қолади. Филтрланган эритма устига 1,8 л сув солиб эритманинг 1/2 қисмини буғлантирилади ва музли сув ҳаммомида 5-6 соат давомида қолдирилади. Эритма тубига гуанидин нитрат тўлиқ чўкиб бўлгандан кейин эритма вакуумли филтрдан ўтказиб олинади. Гуанидин нитратининг чиқиш унуми (70-72%) яъни 196-200 г бўлади. Филтрлаб олинган гуанидин нитрат махсус қуриштиш печида 50-60 °C 4-5 соат давомида қуриштилади.




Синтез қилинган гуанидин нитрат тузининг хусусиятларини ўрганиш учун термогравиметрик ва ИК анализи асосида ўрганилди.


Азот, фосфор ва кислород сақловчи янги (ФКГ2К-1) коррозия ингибиторининг синтези. Коррозия ингибиторини олиш учун, 200 см³ ҳажмдаги аралаштиргич билан жиҳозланган идишга 19,6 г ортофосфат кислотаси устига 9,2 г глицерин солиб биров муддат қиздирилади кейин 12,2 г гуанидин нитрат қўшилади. Моддалар суяқланиб бир хил аралашма ҳосил бўлгунча қиздирилди ва аралаштириб турган ҳолда 6 г карбамид қўшилади. Газларнинг ажралиб чиқиши тўлиқ тўхтагунча (1,5 соат, 160 °С) давом этади ва оқ рангдаги модда олинади ва ингибитор хона ҳароратига қадар совутилганда муҳити рН =7 ни ташкил этади.



Агар реакция жараёнида глицерин, карбамид ва фосфор кислотаси миқдорлари етарли бўлмаса ёки кўп бўлса қуйидагиларга сабаб бўлади. Глицерин миқдорининг ортиқча бўлиши карбамид ва фосфат кислотаси миқдорларининг ортиқча сарфланишига бу эса маҳсулотнинг ингибитор таъсирини маълум даражада камайишига сабаб бўлади. Олинган бирикманинг тузилиши ИҚ-спектр анализ асосида ўрганилди.

Глицерин, ортофосфат кислота ва карбамиддан (ГПТК-2) коррозия ингибиторининг синтези. Глицерин ва ортофосфат кислота эритмаларидан 0,1 ва 0,2 молдан олиб биров муддат қиздирилади устидан 0,2 мол карбамид қўшамиз реакция ҳажми 400 мл бўлган идишда амалга оширилади, аралаштиргич ёрдамида бир жинсли аралашма ҳосил бўлгунча реакция температураси 135-145 °С ҳароратда давом эттирилади. Бир муддатдан кейин оқ рангли модда (ГПТК-2) ҳосил бўлади. Олинган органик модда хона ҳароратига қадар совутилганда юмшоқ ёпишқоқ масса бўлиб қолади.







ГПТК-2 ингибиторининг даслабки реакцияда 0,2 мол карбамид кўшилди, бунга сабаб ҳосил бўлган ингибиторнинг кучли кислотали муҳит ҳосил қилиб ингибиторлик хоссасини камайтирмаслик учун олинган бирикманинг тузилиши ИҚ-спектр анализ асосида ўрганилди. Коррозия ингибиторининг муҳити рН= 6,5-7,5 ни ташкил этади.

Ортофосфат кислота, дициандиаמיד, глицерин ва карбамидан органик коррозия ингибитори (ФКДИГК-3) синтези. 200 см³ ҳажмли аралаштиргич билан жиҳозланган идишга 19,6 г ортофосфат кислота 9,2 г глицерин ва 8,4 г дициандиаמיד солиб қиздирилади. Солинган моддалар суюқланиб бир хил аралашма ҳосил қилганда 6 г карбамид кўшилади. Кимёвий жараёнда газлар ажралиб чиқиши тўхтагунча (1,5 соат, 160 °С) қиздирилади. Совутилганда реакция маҳсулоти юмшоқ ёпишқоқ оқ рангдаги масса бўлиб қолади, коррозия ингибиторининг муҳити рН=7,5 га тенг. Олинган бирикманинг тузилиши ИҚ-спектр анализ асосида ўрганилди.

Фосфат кислота, глицерин, гуанидин нитрат ва тиокарбамид асосидаги (ФКГ2Т-4) органик коррозия ингибиторининг синтези. 200 см³ ҳажмли аралаштиргич билан жиҳозланган идишга 19,6 г ортофосфат кислота ва 9,2 г глицерин солиб бироз муддат қиздирилади устидан эса 12,2 г гуанидин нитрат кўшилади. Моддалар суюқланиб бир хил аралашма ҳосил бўлгунча қиздирилди ва 7,6 г тиокарбамид жараёнга кўшилади. Кейин аралашма газларининг ажралиб чиқиши тўхтагунча (1,5 соат, 150 °С) қиздирилади.



Ингибитор модда хона ҳароратигача совутилганда маҳсулот юмшоқ сариқ рангли бўлиб қолади. Коррозия ингибиторида муҳит рН=7,5 га тенг. Олинган бирикманинг тузилиши ИҚ-спектр анализ асосида ўрганилди.



Диссертациянинг «Азот, фосфор, кислород, олтингугурт сақловчи ингибиторларнинг самарадорлик натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобида синтез қилинган органик бирикмаларнинг тузилиши, ингибиторлик хоссалари, ингибиторларнинг электрохимёвий ва гравиметрик тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинади.

Тажиба учун батафсил тавсифланган қўлланмалардан фойдаланилган. Ишда саноат суви коррозия воситаси бўлиб хизмат қилди. Кимёвий таркиби бўйича у ўртача даражадаги қаттиқ сувдир. Коррозия тадқиқотини гравиметрик усул билан ГОСТ 9.506-87 бўйича, ҳарорат 25-50 °С, Ст-20 металл намуналарини ўлчамлари 10x18x1 мм пластинкаларда ўрганилди.

Тадқиқотларда ишчи эритмалар сифатида 1М НСl кислотанинг (рН=4,56) бўлган (Соф-1), 250 мг/л NaCl бўлган нейтрал тузли (Соф-2) ва градерний суви бўлган (рН=4,5) (Соф-3) эритмаларида олиб борилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, органик ингибиторнинг концентрация ва ҳароратга қараб коррозия тезлиги ва ингибиторнинг самарадорлиги турлича ўзгаради (1-жадвал).

1-жадвал

Ингибиторларнинг 298 К ҳароратдаги Соф-1, Соф-2 ва Соф-3 эритмалардаги самарадорлик қийматлари.

Ингибитор	Ингибитор микдори мг/л	Вақт (соат)	Соф-1		Соф-2		Соф-3	
			$K_{g/m^2 \cdot s}$	Z%	$K_{g/m^2 \cdot s}$	Z%	$K_{g/m^2 \cdot s}$	Z%
ФКГ2К-1	25	4	0,62	84,41	1,78	86,89	0,86	88,85
	50	6	0,86	88,67	0,98	88,78	0,89	90,78
	75	8	0,89	90,43	0,94	90,68	0,82	91,45
	100	10	0,95	92,56	0,92	91,75	0,85	92,89
ГПТК-2	25	4	0,76	86,34	1,84	88,56	0,87	90,46
	50	6	0,82	89,58	0,96	89,85	0,92	92,87
	75	8	0,87	92,78	0,95	90,86	0,86	93,67
	100	10	0,94	93,64	0,93	92,68	0,88	94,68
ФКДИГК-3	25	4	0,68	88,45	1,88	89,55	0,85	92,38
	50	6	0,84	91,75	0,97	90,78	0,87	93,66
	75	8	0,88	93,32	0,95	92,89	0,84	94,79
	100	10	0,96	94,68	0,93	94,88	0,82	95,87
ФКГ2Т-4	25	4	0,79	89,56	1,54	90,48	0,84	93,56
	50	6	0,87	92,68	0,94	92,87	0,86	94,78
	75	8	0,89	94,79	0,96	94,59	0,89	95,86
	100	10	0,98	96,89	0,95	95,68	0,85	96,78

Ушбу органик коррозия ингибиторларнинг таъсир механизми асосан маталлнинг химояланган юзасида, майда заррали молекулалар иштирокида, барқарор химоя қавати ҳосил қилиши аниқланди. 1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, концентрациясининг ортиши билан химоялаш даражаси ортиб борди. Натижалар асосида шу нарсани айтиш мумкинки ФКДИГК-3 ва ФКГ2Т-4 ингибиторларнинг ингибирлаш хусусияти агрессив муҳитли Соф-2 ва Соф-3 ишчи эритмаларда қўлланиши бўйича нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Органик коррозия ингибиторларнинг агрессив муҳитларда, ҳарорат $T=298$ К, 100 мг/л концентрацияда, гравиметрик усулда бажарилган тадқиқотларда аниқланган тормозлаш коэффициенти (γ) ва химоялаш даражаси (Z) нинг қийматларига асосланиб, Ст-20 металл намунасининг коррозиядан химоялаш самарадорлиги (2-жадвал)да келтирилган.

2-жадвал

Турли вақт ва агрессив муҳитларда ингибиторларнинг тормозланиш ва химояланиш қийматлари.

	W, г/(см ² ·соат)	γ	Z, %	W, г/(см ² ·соат)	γ	Z, %
	120 соат			240 соат		
<i>Соф-1</i>	1,242	-	-	1,231	-	-
ФКГ2К-1	0,225	5,87	82,87	0,201	6,73	84,92
ГПТК-2	0,163	7,25	85,28	0,164	8,05	86,24
ФКДИГК-3	0,136	8,65	88,78	0,128	10,32	90,12
ФКГ2Т-4	0,124	11,29	92,18	0,087	13,53	94,53
<i>Соф-2</i>	1,118	-	-	1,104	-	-
ФКГ2К-1	0,138	8,34	87,27	0,128	8,36	89,87
ГПТК-2	0,132	9,16	89,17	0,108	10,23	91,35
ФКДИГК-3	0,108	10,76	90,68	0,096	10,83	91,62
ФКГ2Т-4	0,050	18,36	94,56	0,051	20,32	95,39
<i>Соф-3</i>	1,106	-	-	1,102	-	-
ФКГ2К-1	0,125	8,45	88,72	0,116	7,63	89,78
ГПТК-2	0,122	8,36	89,65	0,102	9,32	92,53
ФКДИГК-3	0,105	10,67	91,86	0,069	10,48	93,26
ФКГ2Т-4	0,042	17,63	94,65	0,043	19,23	96,67

Тадқиқотлар натижаларига кўра, турли хил агрессив муҳитли ишчи эритмаларда ФКГ2Т-4 ингибиторнинг мақбул миқдори 100 мг ни ташкил қилганда, тормозлаш коэффициенти 19,23 ни ва химоя қилиш самарадорлиги эса ўртача 96,67% ни ташкил этди.

ФКГ2Т-4 ингибиторнинг таъсир механизми ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида 298 К дан 323 К гача бўлган ҳарорат ораликларида ингибиторларнинг турли концентрацияларида гравиметрик тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг натижасида ФКГ2Т-4 органик коррозия ингибиторининг химоялаш самарадорлик даражасининг ҳароратга боғлиқлиги (3-жадвал) ўрганилди.

Температуранинг ортиши билан химоялаш самарадорлигининг ортиши, ингибиторнинг пўлат сиртида, кимёвий адсорбция содир бўлаётганлигини

англатади. Ҳароратнинг мос равишда, ортиб бориши билан ҳимоялаш самарадорлигининг нисбатан камроқ ортиши эса, ингибирлаш жараёнида кимёвий адсорбция билан бир қаторда, физикавий адсорбция ҳам бораётган эканлигини англатади. Бир вақтнинг ўзида ҳам кимёвий ҳам физикавий адсорбция жараёнининг кузатилиши, органик ингибиторларнинг аралаш кўринишда таъсир кўрсатишини билдиради. Бу тажрибамиздан ФКГ2Т-4 органик коррозия ингибитори 323 К ҳароратда, 100 мг/л концентрациясида 94,36 % максимал ҳимоялаш самарадорлик даражасини намоён қилди.

3-жадвал

Турли ҳарорат ва концентрация оралиқларида ФКГ2Т-4 ингибиторининг Соф-3 ишчи эритмадаги ҳимоялаш самарадорлиги.

Ингибитор	T, (K)	C, (мг/л)	W, г/(см ² ·соат)	γ	Z, %	θ
ФКГ2Т-4	298	-	1,32	-	-	-
		25	0,292	4,12	76,01	0,7601
		50	0,228	5,28	81,23	0,8123
		75	0,139	8,35	88,45	0,8845
		100	0,108	11,86	91,67	0,9167
	303	-	1,46	-	-	-
		25	0,351	4,25	78,61	0,7861
		50	0,262	5,73	83,45	0,8345
		75	0,158	9,42	88,76	0,8876
		100	0,115	13,32	92,45	0,9245
	313	-	1,75	-	-	-
		25	0,389	4,34	76,26	0,7626
		50	0,286	5,89	82,45	0,8245
		75	0,172	9,72	90,72	0,9072
		100	0,117	14,21	93,67	0,9367
	323	-	1,95	-	-	-
		25	0,429	4,41	76,34	0,7634
		50	0,312	6,06	84,63	0,8463
		75	0,186	9,83	88,86	0,8886
		100	0,125	14,61	94,36	0,9436

Энг юқори коррозия ҳимоялаш хоссасига эга бўлган ФКГ2Т-4 ингибитор хориждан келтириладиган ингибитор PuRO-Tech^R iChem 1011-A билан ингибитори билан Соф-3 ишчи эритмада ҳимоялаш самарадорлиги таққослаб кўрилди (4-жадвал). Импорт қилиб олиб келинадиган ингибиторига нисбатан ҳимоялаш хоссаси юқори эканлигини тажриба натижасида аниқланди.

Ингибитор таъсир механизмини, чуқурроқ ўрганишда термодинамик таҳлиллар, таснифлашнинг муҳим усуллари билан бири ҳисобланади. Бунинг учун E_a зоҳирий активланиш энергиясини таққослаш орқали аниқланиши мумкин. Активланиш параметрлари, E_a энталпия активлиги, (ΔH_a) ва энтропия активлиги, (ΔS_a) Ст-20 металлининг Соф-3 ишчи эритма таркибидаги ФКГ2Т-4 ингибиторини турли хил концентрацияларда, ингибитор ва ингибиторсиз шароитда, ҳарорат (25-50 °C) бўлганда коррозия


жараёнлари ўртасидаги боғлиқликни Аррениус тенгламасига қўйиш орқали орқали таҳлил қилинди.

4-жадвал

303 К 120 соатда Соф-3 ишчи эритмада ФКГ2Т-4 ва PuRo-Tech^R 1011А коррозия ингибиторлар устида синов ўтказиш.

Намуна номи	Миқдори (мг)	Эритма ҳажми (мл)	Масса айирмаси	Химоя даражаси, %
		Соф-3		
PuRO-Tech ^R iChem 1011 A	25	1000	0,0073	83,5
	50	1000	0,0069	85,7
	75	1000	0,006	87,6
	100	1000	0,0056	92,5
	25	1000	0,0056	87,8
ФКГ2Т-4	50	1000	0,005	90,7
	75	1000	0,0047	92,6
	100	1000	0,0032	96,5

Биринчи (а) ва (б) расмлардаги графикларни, турли концентрациялар ва ҳароратда олинган коррозия тезликлари орқали тўғри чизиқли $\log W_{\text{Graw}}/1000/T$ га боғлиқлик графиги чизиб, чизиқнинг оғиш бурчаги тангенсини топилади. Ушбу маълумотлардан Аррениус тенгламалари ва ўтиш ҳолати $\text{tg}\alpha$ активланиш энергияси билан қуйидагича боғланган: $\text{tg}\alpha = -E_a/2,303 \cdot R$. $\log W_{\text{Graw}}/T$ нинг $1000/T$ га боғлиқлик эгрилари чизиб, графикнинг қиялик бурчак тангенсини орқали ($\text{tg}\alpha = -\Delta H_a/2,303 \cdot R$) активланиш энталпияси, ордината ўқи билан кесишиш нуқтасидан $[\log = \frac{R}{Nh} + (\frac{\Delta S_a}{2.303 \cdot R})]$ активланиш энтропиясини ҳисоблаш мумкин.



1-расм. ФКГ2Т-4 ингибитори учун термодинамик тадқиқотлар асосида олинган активланиш энергияси учун Аррениус (а) ва ўтиш ҳолат графиги (б).


Одатда активланиш энталпия қиймати, мусбат қийматларни қабул қилади. Ингибиторсиз муҳитда, мусбат қиймат катта бўлади, ингибитор киритилгач эса мусбат қиймат камайиши кузатилди. Бу эса ингибиторсиз коррозион муҳитнинг активланиши учун ингибиторли муҳитга қараганда, кўпроқ энергия кераклигини англатади (5-жадвал).

**ФКГ2Т-4 иштирокида Соф-3 ишчи эритмадаги активланиш
жараёни учун термодинамик таҳлил натижалари.**

$C_{инг}$ (мг/л)	Соф-3	25 мг/л	50 мг/л	75 мг/л	100 мг/л
E_a (кЖ/мол)	39,40	8,16	5,02	2,81	0,96
ΔH (кЖ/мол)	134,03	28,72	17,23	9,57	3,83
ΔS (мол К)	346,20	-82,70	-124,82	-155,45	-178,43

Системага ингибитор киритилгач, фаолланиш энтальпиясининг камайиши аниқланди. Ингибиторсиз муҳитда активланиш энтропиясининг қиймати, мусбат бўлиши коррозия жараёнининг ўз-ўзича бориши мумкинлигини аниқлатса, ингибитор киритилгач, актив марказларни камайтириши ҳисобига пўлат юзасида коррозия секинлашади, шу сабабли энтропия манфий қийматларни қабул қилишини, тажрибалар давомида кўришимиз мумкин.

Ўзининг юқори самарадорлигини намоён этган ФКГ2Т-4 ингибиторнинг пўлат сиртига, адсорбцияланиш механизми ҳақида, тўлиқ маълумот олиш учун турли ҳарорат ва концентрацияларда Фрумкин, Тёмкин ва Ленгмюр изотерма тенгламалар ёрдамида аниқланди.



2-расм. ФКГ2Т-4 нинг металл сиртига Фрумкин (а), Тёмкин (б) Ленгмюр (с) адсорбция изотермалари ва Эллингем (д) диаграммаси.

Ленгмюр изотермасидаги $C_{инг}$ ва $C_{инг}/\theta_{инг}$ боғлиқлигидан ва $K_{адс}$ адсорбцион мувозанат константаси қийматидан фойдаланиб, 25-50 °С температура оралиғида, адсорбцион жараённинг стандарт Гиббс энергияси $\Delta G_{адс}^{\circ}$ аниқланди: $\Delta G_{адс}^{\circ} = -RT \ln(1000/K_{адс})$ (9).

Бу ерда 1000 – эритмадаги сувнинг миқдори (г/л).

Стандарт Гиббс энергиясининг температурага боғлиқлик графиги (Эллингем диаграммаси) олинди (2д-расм).

$$\Delta G^{\circ}_{\text{адс}} = \Delta H^{\circ}_{\text{адс}} - T\Delta S^{\circ}_{\text{адс}} \quad (10) \text{ тенглама ёрдамида}$$

$$\ln K_{\text{адс}} = \frac{-\Delta H^{\circ}_{\text{адс}}}{RT} + \frac{-\Delta S^{\circ}_{\text{адс}}}{RT} + \frac{1}{1000} \quad (11) \text{ нинг қийматлари топилди.}$$

Ленгмюр изотермасига асосланган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, жараён мономолекуляр адсорбция назариясига мувофиқ, пўлат юзаси ва ингибитор ўртасидаги ўзаро таъсирлашув механизми ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконини беради. Ҳисоблашлар орқали Гиббс энергияси қиймати манфий бўлиши аниқланди, бу жараённинг ўз-ўзидан борганини кўрсатади.


Пўлат юзасининг сув билан таъсирлашиш тезлигига нисбатан ингибитор молекулалари билан таъсирлашиб комплекс ҳосил қилиш эҳтимоли катталиги сабабли тартибсизлик ортади. Шунинг учун адсорбция энтропияси мусбат қийматга эга (6-жадвал).

6-жадвал

ФКГ2Т-4 органик ингибиторнинг Соф-3 ишчи эритмадаги адсорбция жараёнининг термодинамик параметрлари.


Т, К	$K_{\text{адс}}$	R^2	$\Delta G^{\circ}_{\text{адс}}$	$\Delta H^{\circ}_{\text{адс}}$, кЖ/МОЛ	$\Delta S^{\circ}_{\text{адс}}$, кЖ/МОЛ
298	0,1096	0,9998	-11,44	1,59	0,0456
303	0,1302		-12,26		
313	0,1028		-12,05		
323	0,108		-12,56		

Ингибиторларнинг металл юзасида ҳосил қилувчи юпқа ҳимоя қаватининг тузилишини сканерловчи электрон микроскопда олинган СЕМ микрофотография анализи ёрдамида ўрганилди (3-расм).




3-расм. Металл сиртининг дастлабки (а), коррозия учраган (б) ва органик ингибитор билан ингибирланган СЕМ-микрофотографиялари.

Атом куч микроскопи (АКМ) ёрдамида ҳосил бўлган ҳимоя қаватининг тузилиш морфологияси (4-расм) да ўрганилди.



4-расм. Дастлабки (а) ва органик ингибитор билан ингибирланган (б) металл юзасининг АКМ-микрофотографиялари.

ФКГ2Т-4 маркали органик коррозия ингибиторини синтез қилиш жараёни қуйидагича амалга оширилади. Биринчи навбатда, 1-реакторга ортофосфат кислота ва глицерин солиб аралаштиргич ёрдамида яхшилаб аралаштирган ҳолда 120 °С ҳароратда бир хил аралашма ҳосил бўлгунча қиздирилади. Реакция натижасида 1-реакторда ҳосил бўлган маҳсулот насос ёрдамида 4-реакторга юборилади. Аралаштирган ҳолда устидан гуанидин нитрат, 5-идиш орқали қўшамиз.



5–расм. ФКГ2Т-4 маркали органик коррозия ингибиторини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси

1. Моддаларни аралаштириш учун реактор; 2. Ортофосфат кислотаси учун идиш; 3. Глицерин учун идиш; 4. Органик коррозия ингибиторини синтезловчи реактор; 5. Гуанидин нитрат учун идиш; 6. Тиокарбамид учун идиш; 7. Этил спитр учун идиш; 8. Тайёр маҳсулот ва уни филтрлаш учун идиш.

Бироз вақтдан кейин эса худди шундай 6-идиш орқали етарли миқдорда тиокарбамид қўшилади, аралашма бир хил масса ҳосил бўлгунча (40 минут, 120 °С) ҳароратда қиздирилади. Кейин аралашмадаги газлар ажралиб чиқиши тўлиқ тўхтагунча (1,5 соат, 135 °С) ҳароратда қиздириб

турилади, ҳосил бўлган маҳсулотга этил спирт (7) қўшиб реакция маҳсулоти 30 °С га қадар совутилади. Реакцион масса хона ҳароратига қадар совутилгандан кейин филтрлаш ва тайёр маҳсулотни ажратиш учун 8-идишга насос ёрдамида юборилади бу ерда филтрлаб олинган спиртни системага қайтариш учун идишга қуйиб олинади, тайёр маҳсулот эса махсус идишларга қуйиб олинади ва омборхонага жўнатилади. Ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси 5-расмда келтирилди.

ХУЛОСА

1. Ортофосфат кислота, глицерин, гуанидин нитрат, карбамид ва тиокарбамид асосида, таркибида N, P, O ва S бўлган янги органик коррозия ингибиторлари яратилди ва олиш технологияси ишлаб чиқилди.

2. Олинган органик коррозия ингибиторларнинг унумига турли омилларнинг таъсири, коррозия тезлиги, ҳимоялаш даражаси, тормозлаш коэффициенти, адсорбция жараёндаги мувозанат константаси замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланди.

3. Ишчи эритмаларда ва сувни ёпиқ циклда қайта айлантириб совутиш системаларида, синтезланган органик ингибиторлардан фойдаланилганда уларнинг самарадорлиги 94,36 % эканлиги аниқланди.

4. Соф ишчи эритмаларда ва сувли айланма совутиш системаларида синтез қилинган ингибиторлар қўлланилганда юқори ҳимоялаш даражасини сақлаб қолади ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган PuRO-Tech^R iChem 1011 A коррозия ингибиторидан гуанидин асосли ФКГ2Т-4 органик ингибитори самаралироқ эканлиги кўрсатилган.

5. Синтезлаб олинган ФКГ2Т-4 ва ФҚДИГК-3 органик ингибиторлари пўлатдан ясалган ускуналарни сувли айланма совутиш системалар ва коррозия агрессивлиги юқори бўлган сувлар учун коррозия ингибиторлар сифатида тавсия этилган.

6. Тадқиқотлар натижасида фосфат кислотаси, глицерин, гуанидин нитрати карбамид ва тиокарбамид асосида синтез қилинган коррозия ингибиторлари “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ нинг сув айланма совутиш системаларида татбиқ қилинган. PuRO-Tech^R iChem 1011 A саноат коррозия ингибиторини гуанидин асосидаги ФКГ2Т-4 органик коррозия ингибиторига алмаштирилганда 1т маҳсулотдан олинандиган соф иқтисодий фойда 3 223 001 сўмни ташкил қилиши кўрсатиб берилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12. 2019.К/Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

ШАРИПОВ БЕГМУРОД ШАРОПОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ИНГИБИТОРОВ
КОРРОЗИИ НА ОСНОВЕ ГУАНИДИНА И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2023

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день коррозия металлов, в том числе разработка высокоэффективных ингибиторов, защищающих стальные конструкции от коррозии является актуальной проблемой в мире. В быстро индустриализирующихся странах растет потребность в использовании эффективных ингибиторах металлопродукции, применяемых в кислых и соленых средах. Для устранения коррозионного процесса важен анализ и применение ингибиторных свойств в результате изучения механизма влияния состава, количества, температуры и характера агрессивной среды на уровень защиты ингибиторов.

На сегодняшний день, в мире ведутся научно-исследовательские работы по синтезу водорастворимых экологически чистых органических ингибиторов коррозии с высокой эффективностью даже при малых концентрациях для предотвращения коррозии. В связи с этим особое внимание уделяется процессам синтеза органических ингибиторов на сырьевой основе и синтез органических ингибирующих соединений из глицерина, ортофосфорной кислоты, нитрата гуанидина, производных мочевины и тиомочевины с π -связями, содержащих азот, фосфор, кислород и серу и определению их физико-химических свойств.

Достигнут ряд научных и практических результатов в модернизации химической промышленности нашей республики, переводе производственных предприятий на местные сырьевые базы, производстве и применении импортозамещающих органических ингибиторов коррозии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по «освоению производства принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечивающих конкурентоспособность национальных товаров на внутреннем и внешнем рынках».¹ В связи с этим в химической промышленности важное значение имеет совершенствование механизмов и технологий защиты на основе ингибиторов коррозии, содержащих N, P, O, S, защищающих металлические изделия от коррозии, и внедрение их в практику.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы», № УП-6244 от 9 июня 2021 года «О дополнительных мерах по повышению промышленного потенциала регионов». Результаты исследования данной диссертации служат в определенной степени реализации задач, определенных в постановлении и указах от 12 августа 2020 года № ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

химия и биология», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по получению органических ингибиторов, предотвращающих коррозию металлов из производных гуанидина велись учеными И. Л. Федущкин, В.П. Анаников, D.B. Eremin, Э.Г. Гордеев, И.П. Белетская, А.Д. Аверин, М.Н. Бочкарев, А.А. Трифонов, U.M. Dzhemilev, И.Л. Розенфелд, М.А. Quraishi, W.W. Frenier, С.М. Решетник, В.П. Батракова, П.С. Фахретдинов, В.И. Вигдорович, Н.В. Шел, Oguzie E.E, Hussain M. S, Jakeria M.R, Fazal M.A, Haseeb A, Khan R, Oyekunle D.T, Somers A.E, Hinton B.R, Bruin-dickason C.De, А.А. Анисимов, А.В. Arzumanyan, Ю.Н. Кононевич, М. Н. Темников, О. G. Sinyashin, Yu.H. Budnikova, А.Р. Бурилов, А.А. Карасик, В.Ф. Миронов, Р.А. Storozhenko, G.I. Shcherbakova, Б.А. Трофимов и др.

В странах СНГ ученые, как Ю.И. Кузнецов, С.М. Решетников, А.Г. Акимов, Я.М. Колотыркин, В.П. Батракова, П.С. Фахретдинов, В.И. Вигдорович, Н.В. Шель, Л.Е. Цыганкова, М. Хани, С.Н. Степин, О.П. Кузнецова, А.В. Вахин, П.В. Стрекалов продолжают проводить фундаментальные исследования по созданию полифункциональных ингибиторов и изучению механизмов их действия.

Основные исследования по разработке технологии ингибиторов коррозии и защитных материалов направлены на получение органических ингибиторов для повышения эффективности металлоконструкций и производства строительных материалов. Они заключаются в решении общей задачи увеличения срока службы металлических и стальных конструкций, повышении их эксплуатационных характеристик, дальнейшем повышении качества металлических устройств в промышленности.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ в ООО Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии в рамках хоздоговора № 12/06 «Разработка и применение новых эффективных олигомерных ингибиторов коррозии на основе местного сырья» (2007 г.), и по гранту А12-005 «Создание и применение новых эффективных ингибиторов коррозии из местного сырья» (2015-2017 г.).

